

ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ИНДУКЦИЯ ВА ДЕДУКЦИЯ (ёки ушбу методларнинг моҳияти, аҳамияти ва қўлланилиши)

*Р.Д.Дусмуратов-ТДИУ, Бухгалтерия ҳисоби кафедраси профессори,
и.ф.д., «Ўзбекистон Олий таълими аълочиси»
r.dusmuratov@tsue.uz*

Аннотация. Мазкур мақола асосан таянч докторантлар, мустақил изланувчилар ва магистратура талабаларига мўлжалланган бўлиб, иқтисодий тадқиқотларда «индуктивизм - дедуктивизм» дилеммасини ҳал этиш масаласи тадқиқ қилинган. Иқтисодий тадқиқотларда индуктив методлар каби, дедуктив методлар воситасида ҳам янги иқтисодий билимлар кашф этилиши ва ривожлантирилиши очиб берилган. Шунингдек, гипотетик-дедуктив хулоса моделининг аҳамияти асосланиб, у иқтисодий гипотезалардан, мавжуд ҳўжалик фактлари билан таққосланиши мумкин бўлган, эмпирик текишириладиган оқибатларни дедукциялашни назарда тутувчи методологик усуллар тизими сифатида тавсифланган.

Калит сўзлар: индукция, дедукция, гипотеза, назария, эҳтимоллик, индуктив-эҳтимоллик методи, гипотетик-дедуктив метод, индуктивизм, дедуктивизм, иқтисодий софистика, иқтисодий гипотеза, аксиоматик метод.

Аннотация. Данная статья будет полезна для базовых докторантов, самостоятельных соискателей и магистрантов. В ней исследуются вопросы решения дилеммы «индуктивизм - дедуктивизм» в экономических исследованиях. Раскрыты возможности создания и развития новых экономических знаний как посредством индуктивных методов, так и дедуктивных методов в экономических исследованиях. Также, обосновано значение модели гипотетико-дедуктивного заключения и она охарактеризована как система методов, предусматривающей дедукции, эмпирически проверяемых следствий, сопоставляемых с существующими хозяйственными фактами.

Ключевые слова: индукция, дедукция, гипотеза, теория, вероятность, индуктивно-вероятностный метод, гипотетико-дедуктивный метод, индуктивизм, дедуктивизм, экономическая софистика, экономическая гипотеза, аксиоматический метод.

Abstract. This article will be useful for basic doctoral students, independent applicants and master's degree students. It examines the issues of solving the dilemma "inductivism - deductivism" in economic research. The possibilities of creating and developing new economic knowledge by means of both inductive methods and deductive methods in economic research are revealed. Also, the significance of the hypothetical-deductive inference model is substantiated and it is characterized as a system of methods that provide for deduction, empirically verifiable consequences compared with existing economic facts.

Key words: induction, deduction, hypothesis, theory, probability, inductive-probabilistic method, hypothetical-deductive method, inductivism, deductivism, economic sophistry, economic hypothesis, axiomatic method.

Кириш (Introduction). Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан: «Бир ҳақиқат ҳаммамизга маълум: илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди»[1],- деб алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат шундай, бу фикр исбот ва изоҳ талаб қилмайдиган аксиома (постулат)дир. Лекин, ривожланиш ва юксалишни таъминлайдиган илмий изланишлар самараси уларнинг нафақат ким томонидан ва нима мақсадда, балки қандай усуллар ва услуб(метод)лар воситасида амалга оширилишига ҳам боғлиқ. Сўнгги ҳолат эса, бўлғуси олимлардан, умуман илмий тадқиқот методологиясини, хусусан **индукция** ва **дедукция** методларини пухта ўзлаштиришни талаб этади.

Хўш, индукция ва дедукция ўзи нима?

Сўнгги вақларда иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи Илмий кенгашлар ҳузуридаги илмий семинарларда, ундан олдин эса, кафедралараро илмий семинарларда муҳокамага чиқаётган таянч докторантлар ва мустақил тадқиқотчилар иқтисодий тадқиқотлар методологияси таркибидаги муҳим ва мураккаброқ назарий тадқиқот методлари - **индукция ва дедукция**нинг мазмун-моҳиятини яхши билмасликлари аён бўлмоқда. Хусусан, *«авторефератингизнинг «тадқиқот усуллари» бўлимида «индукция» ва «дедукция» методларини келтирибсиз, уларнинг мазмуни қандай? Қайси вазифаларни ҳал этишида ва қандай қўлладингиз? Қайси илмий муаммони ҳал этдингиз ва қандай натижага эришдингиз?»* каби саволларга кўпинча мантиқсиз, пойинтар-сойинтар жавоб бўлади ёки умуман жавоб ола олмайсиз! Фикримизча, бунинг асосий сабаблари:

1) таянч докторантурада ўқиш даврида **Иқтисодий тадқиқотлар методологиясининг** талаб даражасида ўрганилмаслиги;

2) кўпчилик таянч докторантлар томонидан «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом»[2] талабларининг тўлиқ бажарилмаслиги, хусусан, унинг 29-бандида белгиланган **назарий-методологик дастур** ишлаб чиқилмаслиги ва ўқишнинг биринчи йили мобайнида ўзлаштирилмаслиги;

3) назарий-методологик дастурда методологиянинг умумий концепцияси ва масалалари, ихтисосликнинг назарий асослари ва илмий тадқиқот услублари ўз аксини топмаслиги, тадқиқот методикасининг аниқ шакллантирилмаслиги ва бошқалар.

Даставвал, индукция тушунчасининг вужудга келиши ва мазмун-моҳиятини ойдинлаштириш учун қомусий манбаларга мурожаат қиламиз: «Индукция (лот.inductio – тўғрилаш, тартибга келтириш) (мантиқда) – айрим фикрлардан умумий хулосалар чиқаришда ва мантикий тадқиқотларга қўлланиладиган муҳокама усули. Хусусийликни ўрганиб, умумийлик билиб олинади. Умумийлик предмет ва ҳодисалар билан узвий алоқада бўлади. Умумийликнинг энг муҳим томонларидан бири индуктив хулоса чиқаришдир. И.ни ўрганиш фанда қадимдан, ҳинд, юнон мантиқшунослигида, Лао-цзи мактабида бошланган. И. масалалари Аристотель, Абу Али ибн Сино асарларида учрайди. 17-18 асрларда эмпирик табиатшунослик юзага келгач, олимлар бу масалага алоҳида эътибор бердилар. И.ни ривожлантиришга Ф.Бэкон, Г.Галилей, И.Ньютон, Ж.Милль каби олимлар катта ҳисса қўшдилар»[9] Шундай қилиб, индукция билиш методи сифатида фан хазинасига даставвал Лао-цзи томонидан киритилган. Демак, Аристотель ва Абу Али ибн Сино асарларида ҳам мавжуд бўлган. Кейинчалик Фрэнсис Бэкон ва Галилео Галилей даврида – тахминан XVI-XVII асрларда Ф.Бэкон, Г.Галилей, И.Ньютон, Ж.Милль томонидан ривожлантирилган. Шу даврлардан бошлаб деярли барча табиий фанлар «индуктив» деб ҳисобланади, чунки табиий фанларнинг энг кичик хулосалари ҳам индукция методи асосида шакллантирилган.

Индукция илмий тадқиқот методи сифатида мамлакатимиз олимлари томонидан

батафсил таърифланган. Жумладан, Н.Шермухамедова ёзишича: «Индукция - айримлик(тажриба, факт)дан умумийга (уларни умумлаштириб хулоса чиқаришга фикран ҳаракат қилиш; дедукция – билиш жараёнининг умумийдан айримликка юксалиши. Индукция ва дедукция ўзаро боғланади ҳамда бир-бирини тўлдиради» [3.264-265 б.]. Шунингдек, у «дедукциянинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, тадқиқотчи дедукция воситасида бир синф, бир жинс, бир гуруҳ нарса ёки ҳодиса тўғрисидаги умумий билимлардан уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида билимларни ҳосил қилади», дея таъкидлайди[3.265 б.].

Қ.А.Шавазов томонидан келтирилган таърифга кўра: «Индукция - тафаккурнинг индивидуалликдан (тажриба, фактлардан) умумийга (уларнинг хулосаларда умумлаштирилиши ҳаракати ва дедукция – билиш жараёнининг умумийликдан индивидкаллика кўтарилиши)»[4.61 б.].

И.Саифназаров, Г.Никитченко, Б.Қосимовлар: «Илмий билим олиў методи – индукция, яъни алоҳида, парчаланган, тизимга солинмаган маълумотлардан умумлаштиришларга, илмий гипотезалар, назариялар, қонуниятлар тузишга ўтиш якка илмий фактлардан уларни тушуниш ва тушунтиришга ўтишни таъминлайди»[5.50 б.], дея батафсилроқ ёндашганлар. Шунингдек, ушбу муаллифлар дедукция тушунчасини «назариядан фактларга ўтиш, умумий(универсал) илмий тасаввурлардан хусусий мулоҳазаларни келтириб чиқариш», дея таърифлаганлар[5.50 б.].

Ушбу методларнинг илмий тадқиқотлардаги аҳамияти А. Маршаллнинг «Принципы экономической науки» номли машҳур асарида шундай баён қилинган: «Индукция, анализ ва дедукция билан тўлдирилиб, биргаликда фактларнинг тегишли синфларини бирлаштиради, уларни тартибга келтиради, таҳлил қилинади ва улардан умумий қоидалар ёки қонунлар келтириб чиқаради. Сўнгра бироз вақт дедукция асосий ўринга чиқади: у мазкур умумлаштиришлардан айримларини бир бири билан бирлаштириб, улардан янги гипотетик ва кенгроқ умумлаштиришлар ёки қонунлар келтириб чиқаради ва янги қонунни текшириш ва ишончилигини таъминлайдиган тарзда мазкур фактларни тўплаш, саралаш ва тартибга келтириш бўйича ишларнинг асосий улушини бажариш мақсадида яна индукция методига қайтилади»[8].

Материаллар ва методлар. (*Materials and Methods* Тадқиқотнинг ахборот таъминотини мавзуга оид илмий, ўқув-услбий ва норматив-ҳуқуқий манбалар ҳамда сўнгги йилларда иқтисодиёт фанлари бўйича илмий анжуманлар ва муҳокамаларда, фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи Илмий кенгашларда ҳамда улар ҳузуридаги илмий семинарлар амалиётини кузатув маълумотлари ташкил этади.

Тадқиқот жараёнида аввало умумий методологик асос сифати диалектика, умумилмий методлардан: илмий тафаккур, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстракт-мантикий методлар, қиёслаш, аналогия каби назарий методлар; кузатиш, ўлчаш, манбааларни шарҳлаш, таққослаш каби эмпирик методлар қўлланилди.

Натижалар ва муҳокама. (*Results and Discussion*).

Албатта, ушбу мақолада барча сабабларни ўрганиб, мавжуд муаммоларни ҳал эта олмаймиз. Аммо, ҳозир таянч докторантурада иқтисодий тадқиқотлар методологияси чуқур, кенг қамровли ва тизимли ўзлаштирилмаётганлигига амин бўлдик. Шу боис, мазкур мақола мавзуси доирасидаги фикр-мулоҳазаларимизни баҳоли қудрат баён қиламиз.

Умумилмий назарий тадқиқот методлари орасида анализ ва синтез методларидан кейинги ўринда, мураккаброқ ва қийинроқ, аммо ўзларининг натижадорлиги бўйича анча самаралироқ - **индуктив-эҳтимоллик** ва **гипотетик-дедуктив** методлар ҳам қўлланилади. Шунинг учун «индукция», «дедукция», «гипотеза», «назария» ва «эҳтимоллик» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб берамиз ҳамда илмий тадқиқот методи сифатида қўлланилишини батафсил ёритамиз. Шунингдек, иқтисодий тадқиқотларда қўлланиладиган дедуктив методнинг турларидан бири – **аксиоматик метод**ни ўрганиш билан якунлаймиз.

Индуктив хулосаларнинг бир қанча асосий туркумлари мавжуд. Масалан, объектларни қамраб олиш даражасига кўра: *тўлиқ индукция* ва *тўлиқсиз индукция*. Тўлиқ индукция барча объектларни қамраб олади, агар қайсибир хулоса мазкур синфнинг ҳар бир предметига нисбатан тўғри бўлса, у ҳолда мазкур синфнинг барча предметларига нисбатан тўғри бўлади. Аммо кўпроқ, тўлиқ индукцияга қараганда, мазкур синфнинг барча предметларини қамраб олиш имкони бўлмайдиган, уларнинг тўлиқсиз рўйхатига асосланиб хулоса чиқаришга мажбур бўлинадиган, тўлиқсиз индукция кўпроқ учрайди. Ҳисоблаб чиқариладиган белги ва предметларнинг ўзларининг сифати ўртасидаги сабаб-оқибатли боғлиқликни аниқлашга уриниш биргаликда мавжуд бўладиган ёндашув, илмий индукция деб аталади.

Индукция муаммоли (функционал) ва каузал (сабаб-оқибатли), энумератив (саналадиган) ва элиминатив (статистик), экспериментал ва математик ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Индукциянинг ушбу барча турлари иқтисодий таҳлилда ҳам кенг қўлланилмоқда, масалан, математик индукция эконометрика ва математик иқтисодиётда формаллашган иқтисодий назарияларни тузиш учун улкан аҳамиятга эга. Иқтисодий тадқиқотларда қўлланиладиган индукцияларни кейинги ўринларда иқтисодий индукция деб атаймиз ва уни қуйидагича таърифлаймиз:

Иқтисодий индукция – бу ақлий тафаккур хулосаси бўлиб, унинг моҳияти иқтисодиётдаги хусусий фактлар ва қоидалардан умумий хулосалар ва умумийлаштиришларга ўтиш, яъни хусусийликдан умумийликка томон фикрлаш, хусусий қоидалардан умумий принципларни келтириб чиқариш ҳамда тасдиқлашдан иборат.

Иқтисодий индукция илмий тадқиқотларда қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- назарий ва эмпирик тушунчаларни барпо этиш ҳамда асослаш;
- тадқиқот натижаларини ҳар хил мезонлар бўйича туркумлаш;
- иқтисодий гипотезалар тузиш ва илмий назариялар яратиш;
- эмпирик қонуниятларни тасдиқлаш (асослаш).

Индукция, асосан иқтисодий тадқиқотларда эмпирик маълумотларни умумлаштириш ва уларни туркумлашнинг дастлабки босқичларида қўлланиладиган энг самарали билиш методи бўлиб ҳисобланади. Кейинчалик индуктив хулосаларни самарали дедуктив хулосалар асосида мустаҳкамлаш имконияти, ҳамда тадқиқотчининг индуктив ва дедуктив билиш усуллари биргаликда унумли қўллаш лаёқати билан белгиланади. Бу ерда индукция тадқиқотчининг хатоларини тузатиш ва ақлий тафаккурини ҳақиқат томон йўналтиришда тузатишлар кирита оладиган метод ҳам ҳисобланади.

Ушбу таъриф ва тавсифлардан индукция тадқиқот методи сифатида **эҳтимоллик** билан боғлиқлигини ҳам англашимиз мумкин. **Эҳтимоллик** муаммоларининг математик жиҳатлари **эҳтимоллар назарияси**да ўрганилади. Эҳтимоллар назарияси математика

илмининг муҳим ва мураккаб соҳаси бўлганлиги боис, унга чуқурлашиб кетмасдан комусий манбаларда келтирилган таърифи билан чекланамиз.

«Эҳтимоллар назарияси – бирон бир тасодифий ҳодисаларнинг рўй бериши эҳтимолига кўра улар билан қандайдир тарзда боғланган бошқа тасодифий ҳодисаларнинг рўй бериши эҳтимолларини топиш билан шугулланадиган математика соҳаси»[13.3026.]. Демак, иқтисодий тадқиқотларда эҳтимоллар назариясидан, тегишли шароитлар амалга оширилганида кўп маротаба такрорланувчан, оммавий-ижтимоий-иқтисодий тасодифий ҳодисаларни ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Ушбу мураккаб тушунчалар моҳиятини батафсилроқ очиб бериш учун яна комусий манбаларга мурожаат қиламиз:

«эҳтимоллик (математикада) – тасодифий ҳодисанинг муайян, исталганча кўп марта такрорланиши мумкин бўлган шартларда рўй бера олиши даражасининг миқдорий характери. Эҳтимоллик тушунчаси оммавий тусдаги жараёнларнинг ҳодисалари учун характерли бўлган махсус тур боғланишлар ва муносабатларни акс эттирувчи фалсафий категориядир»[13.304 б.].

Демак, эҳтимоллик иқтисодий тадқиқотлар методи сифатида қўлланилганда, имкониятнинг миқдор ўлчови, бирон-бир нарсани амалга ошириш ўлчови, бажарилиш имконияти деб тушуниш мумкин.

Иқтисодиёт илмида биринчи бўлиб буюк иқтисодчи Дж.Н. Кейнс эҳтимолликнинг иқтисодий тадқиқотлардаги аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Хусусан, «Кейнс эҳтимоллик рақамларнинг эмас, балки мантиқнинг нисбати ҳисобланади деган фаразга асосланган ўзига хос (оригинал) эҳтимоллар назариясини яратган»[14].

Барча ўхшаш хулосаларни иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин: *математик* ва *номатематик*. Биринчи гуруҳга кўра, *иқтисодиёт фанининг хулосалари эҳтимоллар назарияси* ва математик статистикага асосланиб, уларни қатъий ва бир хил исботланадиган деб тан олиш мумкин. Бунда таҳлилда эҳтимолларнинг аниқ сон қийматлари қўлланилади; хўжалик ҳодисаларини индуктив-эҳтимоллик таҳлилининг иккинчи ҳолати «ҳақиқат - ёлғон» принципи бўйича тузилади, эҳтимолий хулосаларнинг қиймати *носанок* ва *ноаниқ* бўлиши мумкин, аммо бари бир хулосанинг ўзи назарий-эҳтимолий ёндашувга асосланади. Аслида, иқтисодиёт фани индуктив хулоса чиқаришнинг математик йўлига қараганда, кўпроқ номатематик йўлдан фойдаланади, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам, индуктив-эҳтимолий ёндашувнинг барча муаммоси тадқиқотнинг статистик методлари ишончилиги тўғрисидаги масалага бориб тақалади.

Индукция илмий билишнинг асосий методи сифатида эътироф қилиниши *индуктивизм методологиясига олиб келади*.

Индуктивизм (от лат. *inductio* - ажратиб чиқариш; қўзғатиш) – индукцияни илмий билишнинг бошқа барча методларидан устун қўювчи (устувор деб ҳисобловчи), таажрибага асосланган методология[15].

«Индуктивизм фандаги энг нуфузли методологиялардан бири ҳисобланади. Индуктивизмга мувофиқ, ёхуд қатъий ўрнатилган фактларни баён этадиган, ёхуд уларнинг рад этилмайдиган *индуктив умумлашмаси ҳисобланган*, фикрларгина илмий фикр деб қабул қилиниши мумкин. Индуктивист алоҳида илмий мулоҳазани қабул қилганида, у буни ишончли ҳақиқий деб қабул қилади, агар у бундай бўлиб чиқмаса (*ҳақиқий бўлиб чиқмаса – Д.Р.*), индуктивист (*индуктивизм методологиясини ёқлайдиган иқтисодчи – Д.Р.*) уни рад этади. Унинг илмий кодекси каттик: мулоҳаза ёхуд фактлар

билан тасдиқланган, ёхуд олдинги исботланган мулоҳазалардан дедуктив ёки индуктив йўл билан келтириб чиқарилган бўлиши лозим»[10].

Индуктивизм иқтисодиёт фанида азалий анъанага эга бўлиб, ҳаттоки, кўпчилик буюк иқтисодчилар, ўзларини индуктивистлар деб атамасаларда, у ёки бу даражада унга мойиллигини намоён қилганлар. Дарҳақиқат, индуктивизмнинг ўзи охир-оқибатда эмпиризмга мурожаат қилиб, у ўзининг барча хулосаларини эмпирик, тажриба мулоҳазаларидан келтириб чиқаришга ҳаракат қилади, бу эса табиий фанлардаги каби, умуман барча фанларда ҳам, илмий хулоса принципларига мос келади.

Лекин, иқтисодиёт фани мутлақо индуктив мулоҳазаларга асосланган, деб таъкидлаш, маълум даражада янглиш фикр бўлиб, уни ўз даврида Дж.Н. Кейнс ҳам рад этишга ҳаракат қилган:

Агар иқтисодиёт фанига индуктивизмнинг бир варианты деб қаралмайдиган бўлса, демак, у ўз мазмунига кўра индуктивизмга қарама-қарши бўлган, бошқа бир муҳим методологик йўналишнинг версияси, яъни *дедуктивизм* ҳисобланади. Энг муҳими, иқтисодиёт фанининг хулосалари ҳам *индуктивизмни*, ҳам *дедуктивизмни ўзида изчил бирлаштиради. Иқтисодий тадқиқотларнинг методологияси ушбу ҳар иккала методга* – индукция ва дедукцияга таянади. Бу борада Г. Шмоллер «Илмий тафаккур учун индукция ҳам, дедукция ҳам, худди худди инсоннинг иккала оёғи каби, улардан биттаси бўлмаса, иқтисодиёт фани бир оёқда «оқсоқланиб» қолади» деганда мутлақо ҳақ бўлган[8]. Шундай экан, кейинги ўринларда дедукция методини ва унинг индукция методи билан биргаликда қўлланилишини кўриб чиқамиз.

Даставвал, дедукция тушунчасининг луғавий мазмуни хусусида. «Дедукция (лат.*deductio* – хулоса чиқариш) – *мантиқ* қоидаларига кўра хулоса чиқариш. Дастлаб формал мантиқда умумийликдан хусусийлик, айримлик томон муҳокама юритиш дедукция деб аталган»[8]. Демак, дедукция – бу умумий фактлар ва қоидалардан ягона хулоса ва умумлаштиришга ўтиш орқали чиқариладиган хулоса, яъни бунда умумийликдан хусусийликка томон фикр юритилади, умумий қоидалардан хусусий принциплар келтириб чиқарилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай индуктив хулоса ундай ёки бундай тарзда дедукцияга таянади(мурожаат қилади) ва аксинча, ҳар қандай дедуктив хулоса у ёки бу даражада индуктив хулоса билан асосланади. Демак, дедукция ўз моҳиятига кўра – бу индукцияга тескари метод. Агар индукция методи хусусийликдан умумийлик томон юрса, дедуктив метод тескари: умумийликдан хусусийликка ўтиш принциплари асосланади. Тадқиқотнинг дедуктив методига антик*¹ даврдаёқ асос солинган.

Худди индукция каби, дедукция ҳам ҳар хил туркумлашлар призмаси орқали ўрганилиши мумкин. Масалан, Аристотель дедукциясини мантикий дедукция сифатида тавсифлаш мумкин, чунки формаль мантиқни келтириб чиқариш қоидаларига асосланади. XVII аср мутафаккири Ренье Декарт асарларида дедуктив қоидалар методологик тавсифга эга бўлиб, илмий хулоса нормаларини шакллантирган. Шунингдек, функционал ва каузал дедукция ва бошқа туркум дедукцияларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Дедукцияларни билим турлари - математик, физик, социологик ва бошқа турларга ҳам ажратиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, индукция ва дедукция биргаликда, ўзаро боғлиқ ва ўзаро мунтазам

¹* **антик** [лат. *antiquus* - қадимги] Қадимги Юнон (Греция) ёки Рим ижтимоий тузумига, маданиятига, санъатига оид ёки хос бўлган.

бир-бирига ўтадиган бўлиши билан бирга, улар тафаккур жараёнининг ажралмас ички зиддиятларида ҳам бўладилар. Шунинг учун асл илмий тадқиқот улар биргаликда қўлланилганидагина амалга ошиши мумкин. Иқтисодий тадқиқотнинг ҳар бир муайян босқичида индукция ва дедукция бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тадқиқот жараёни қанчалик хусусийдан умумийга томон борса, умумийдан хусусий томон ҳам шунчалик боради. Индукция дедукцияни тайёрлайди, дедукция ходисани индуктив ўрганиш учун фаолият маконини кенгайтиради. Индукциядан дедукцияга ўтиш ва ундан фактлар билан текширувга (индукцияга) ўтиш узлуксиз содир бўлади. Индукция ва дедукция босқичлари, биридан кейин бири, иқтисодий воқеликни чуқурроқ тадқиқ қилишга олиб келадиган, ягона тармокни ташкил этади.

Илмий тадқиқотлар, хусусан иқтисодиёт илми учун дедуктив метод ёрдамида хулоса чиқариш улкан аҳамиятга эга. Шу боис, иқтисодий тадқиқотларда қўлланиладиган дедукция методини, кейинчалик биз иқтисодий дедукция деб аташ мақсадга мувофиқ

Умуман дедуктив метод илмий назариялар тузиш методи бўлиб, унинг асосий хусусияти ва фарқли белгиси мантикий хулоса чиқаришнинг дедуктив методини қўллашдан иборат. Ушбу метод тажриба ва экспериментларга асосланган гипотезаларни илгари суриш методи билан тўлдирилганида, гипотетик-дедуктив метод деб номланади. Шунингдек, дедуктив методнинг асосида формал силлогистика^{*2} ётишини таъкидлашимиз лозим.

Дедуктив метод қўлланилган ҳолатда янги билимларга бир қанча бирламчи таянч аксиомалар – атамалар ва тасдиқлашлардан олинган мантикий хулоса натижаси сифатида эга бўлинади. Шунинг учун барча дедуктив назариялар *аксиоматик назариялар*нинг турларидан бири эканлигини таъкидлаш зарур. Мантикий хулосанинг ўзи ёхуд математика, ёхуд формал мантиқ қоидаларидан келиб чиқиши мумкин: биринчи ҳолатда уни математик, иккинчи методда эса, формал мантикий метод сифатида белгилаш мумкин. Бундай хулосанинг натижалари ёхуд дедуктив назариялардан келиб чиқадиган оқибатлар мажмуи сифатида, ёхуд ушбу оқибатларнинг мумкин бўлган йиғиндиси сифатида тақдим этиш мумкин.

Дедуктивизм – бу илмий тадқиқот методологиясидаги индуктивизмга тескари бўлган йўналиш. Юқорида таъкидланганидек, агар индуктивизм, индуктив мулоҳазаларнинг дедуктив мулоҳазалардан устунлигини тасдиқласа, у ҳолда дедуктивизм, табиийки, тескарисини ёқлайди.

Дедуктивизм – бу илмий билишнинг бошқа барча методлари олдида дедукцияларнинг устуворлигини тасдиқлайдиган методологик йўналиш.

Замонавий илмий билиш методологиясида дедуктивизмнинг аполлогияси^{3*} одатда Карл Поппернинг фалсафий қарашлари билан боғланади. К. Поппернинг фикрига кўра, индуктивизм ёлғон методологик концепциядан иборат бўлиб, бу ерда илмий ҳақиқат муаммоси «ҳақиқатга ўхшаш» муаммо билан алмаштирилади ва тўлиқсиз индукция принципи бўйича «оқланади».

Иқтисодиёт фанида дедуктивизм ҳам, худди индуктивизм каби, ўзининг узок ўтмишига эга бўлиб, унинг ибтидоси австрия мактаби ва Макс Вебер томонидан асос солинган, кейинчалик ушбу концепция Людвиг фон Мизес томонидан фаол

² **Силлогистика** ([қадимги юнонча](#), Συλλογιστικός-хулоса қилувчи) - қатъий фикр-мулоҳазадан иборат хулосани тадқиқ қилувчи мантикий хулоса назарияси.

³ ***Аполógия** (юнонча. ἀπολογία «оқлаш») - ниманидир ёхуд кимнидир ҳимоя қилиш учун йўлланган нутқ, хат, иншо ёки матн.

ривожлантирилган. Хусусан, Людвиг фон Мизес қуйидагиларни таъкидлайди:

«Агар назария билан тажриба ўртасида зиддият аниқланса, биз ҳамиша назария томонидан қабул қилинган шартлар бажарилмаган, ёки бизнинг кузатув(тажриба)ларимизда қандайдир хато бор деб тахмин қилишимиз лозим. Ҳеч қандай тажриба ҳеч қачон бизни априор теоремаларни рад этиш ёки модификациялашга мажбурлай олмайди»[6. С.329].

Людвиг фон Мизеснинг фикрларини инглиз иқтисодчиси Лайон Роббинс ҳам маъқуллаб, у дедуктивизмни қуйидагича асослайди:

«Ҳар қандай бошқа илмий назария каби, иқтисодий назариянинг тасдиқлари ҳам, постулатлар тўпламидан табиий тарзда дедуктив йўл билан чиқарилади. Бизнинг фанимиз предмети ҳисобланган, неъматлар камёблиги (*ресурслар чекланганлиги* – Д.Р.) кабиларга тааллуқли бўлган оддий ва сўзсиз амалий фактларни ўз ичига оладиган, асосий постулатлар эса, олам воқелигида ўзини намоён этади. Қийматлар назариясининг асосий постулати факт бўлиб, унга мувофиқ индивидуумлар ўзлари афзал кўрганларидек бўйсира қилишлари мумкин, ва ҳақиқатда ҳам шундай қиладилар. Ишлаб чиқариш назариясининг асосий постулати шундан иборатки, ишлаб чиқариш омиллари ҳамиша биттадан кўп бўлади. Динамика назариясининг асосий постулати келажакда қандай неъматлар камёб бўлишини билмаслигимиз ҳисобланади. Бизга уларнинг асосланганлигини аниқлаш учун назорат қилинадиган эксперимент керак эмас: улар бизнинг кундалик тажрибамизда шу қадар ўрнашиб олганки, уларни мавжуд деб тан олиш учун, шунчаки шакллантиришнинг ўзи кифоя»*[6]⁴.

Шундай қилиб, умум илмий назарий методлардан ҳисобланмиш, индукци ва дедукция методларини хусусан, барча умумилмий назарий ва эмпирик методларни умуман, иқтисодий тадқиқотларда қўлланиш хусусиятларининг ёритилиш мазкур тадқиқотлар натижадорлигини оширади.

Хулосалар

1. Иқтисодий тадқиқотлар тарихида дедуктивизм эмпирик мулоҳазалардан индуктив йўл билан бирон-бир нарса чиқариш заруратини инкор қилади: қандайдир постулатлар ёки аксиомалар бериши етарли, агар улар назария ва амалиёт нуқтаи назаридан қимматли натижалар келтирган ҳолда етарли даражада самарали ишлаётган бўлса, у ҳолда бирламчи эмпирик мулоҳазаларни текшириш умуман зарур эмас.

2. Умуман олганда иқтисодий тадқиқотларда «индуктивизм - дедуктивизм» дилеммасини ҳал этиш жуда мураккаб. Ҳар иккала метод ҳам (индукция ва дедукция) керакли эканлиги тўғрисида индуктивистлар ҳам, дедуктивистлар ҳам ҳамфикр, аммо иқтисодий тадқиқотларда улардан қайси бири самаралироқ, деган савол бўйича методологик мантикий мулоҳаза ва методологик мунозаралар ҳозирча очиклигича қолмоқда.

3. Иқтисодий тадқиқотларда индуктив методлар каби, дедуктив методлар воситасида ҳам янги иқтисодий билимлар кашф этилиши ва ривожлантирилиши мумкин. Кўп ҳолларда унинг хулосалари формаль силлогистика принципи бўйича шакллантирилади. Айрим ҳолларда иқтисодий назариялар ва гипотезалар тизимида иқтисодий парадокслар – хўжалик фактлари тўғрисида фикр юритишда шакл ва мазмун

⁴* Биз бу ерда инглиз иқтисодчиси Лайон Роббинснинг А.Г.Худокормов томонидан келтирилган фикрларини айрим таҳририй тузатишлар билан тақдим қилдик.

ўртасидаги зиддиятлар, бундай фикр-мулоҳазаларнинг умуман олганда тўғрилиги сақланган ҳолда, вужудга келиши мумкин.

4. Иқтисодий тадқиқотларда гипотетик-дедуктив хулоса модели улкан аҳамиятга эга. Хусусан, иқтисодиёт илмида гипотетик-дедуктив метод – иқтисодий гипотезалардан, мавжуд ҳўжалик фактлари билан таққосланиши мумкин бўлган, эмпирик текшириладиган оқибатларни дедукциялашни назарда тутувчи тадқиқот усулларининг тизими ҳисобланади. Иқтисодий назария ва иқтисодий гипотеза бундай хулосанинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Айрим ҳолларда гипотетик-дедуктив иқтисодий назариялар аксиоматик принцип бўйича тузилиши ҳам мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.Мирзиёев. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган кишлоқ ҳўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш-асосий вазифамиздир. Халқ сўзи, 10 декабрь 2017 й. № 248 (6942).
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 май 2017 йил 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, <https://lex.uz/docs/3213410>.
3. N. Shermuhamedova. Falsafa va fan metodoljigiyasi. Т., «Aloqachi», 2008, 400 б.
4. Қ.А.Шавазов. Илмий тадқиқот методологияси, Дарслик. -Т.: «ТИҚХММИ» МТУ, 2024. 200 б.
5. И.Саифназаров, Г.Никитченко, Б.Қосимов. Илмий ижод методологияси, (Ўқув қўлланма). Тошкент, «Янги аср авлоди», 2004, 192 б.
6. История экономических учений: (современный этап). Учебник / Под ред. А.Г. Худокормова. М.: ИНФРА-М, 2012. – 733 с. (Высшее образование).
7. Орехов А.М. Методы экономических исследований: Учеб. пособие. М.: ИНФРА -М, 2009. 392 с.
8. Маршалл А. Принципы экономической науки. <https://studfile.net/preview/7263279/>
9. Штофф В.А. Проблемы методологии научного познания. М., 1978. С.157.
10. Лакатос И. История науки и ее рациональные реконструкции // Кун Т. Структура научных революций. М., 2002. С. 459.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. – 704 б..
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. – 704 б.
13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. «Ўзбекистон миллий энц-яси» Давлат илмий нашриёти, 2005. – 656 б.

Интернет сайтлар

14. https://ru.wikipedia.org/wiki/Джон,_Мейнард_Кейнс
15. https://epistemology_of_science.academic.ru/244/ Индуктивизм